IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ МУАММОЛАРИ

Н.Холматова

НамМҚИ

Аннотация

Мақолада таълим – тарбия тизими жараёнида ўқувчиларни ҳамкорликда фаолият кўрсатиш ишларига йўналтириш муаммолари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар

Таълим назарияси, интерфаол таълим, бурчаклар усули, таълим-тарбия, педагогик жараён, кўникма, ҳамкорлик.

Ҳозирги кунда таълим-тарбия тизими ўргатиш усулларининг бой тажрибасига эга. Таълимда усуллар тўғри танланар экан, кўзланган натижага қисқа йўл билан эришиш мумкин.

Ўқитиш тизими пайдо бўлиб, таълим назарияси вужудга келгандан эътиборан таълим берувчилар томонидан таълим мақсадига эришишнинг самарали, қулай усуллари излаб келинган. Айниқса, ўтган асрнинг 70-йилларида олимлар, амалиётчи педагоглар томонидан таълим жараёнини фаоллаштириш, билим беришнинг оптимал усулларини излаб топиш мақсадида тадқиқот ва тажрибалар олиб борилди. Бу тадқиқоларнинг натижаси сифатида муаммоли таълим усули пайдо бўлди.

Ҳозирги кунда фаол ҳамда ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув муҳитига эришиш учун муаммоли, ҳамкорликдаги, модулли ва масофадан туриб ўқиш каби таълим шакллари энг самарали ҳисобланади. Масалан, фикрлаши, ижодий фаолият олиб бориши учун шароит яратилади.

Ўқитишнинг ноанъанавий шаклларидан бўлмиш ҳамкорликда ўрганиш ўқувчиларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган методдир. Ҳамкорликдаги таълимнинг бир кўриниши кичик гуруҳларга бўлинганда унинг аъзолари 6-7 киши бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки ҳозирда синфларда ўқувчилар сони 30-35 нафарни ташкил этмоқда. Гуруҳда иштирокчилар сонининг кўплиги гуруҳ аъзоларининг фаол иштирокларига ҳалақит беради; гуруҳ таркибини танлашда, албатта, ҳар бир гуруҳга “аъло”, “яхши” ва “қониқарли” ўзлаштирувчи ўқувчилар тенг миқдорда киритилиши талаб қилинади. Ҳеч қачон “кучлилар” ва “кучсизлар” гуруҳи тузилмаслиги лозим; гуруҳ аъзолари гуруҳнинг ўзлаштиришига қараб, янгиланиб туриши керак.
Интерфаол таълимнинг яна бир самарали усули бу “Бурчаклар усули”дир. “Бурчаклар усули” ўқувчиларнинг баҳс-мунозара ташкил этишга йўналтирувчи ҳамкорликда бир-бирини ўқитиш фаолиятидир. Бу усул ўқувчилар мавзу билан танишиб чиққанларидан сўнг ташкил қилинса, мақсадга мувофиқдир.

Бурчаклар усулини ташкил қилишда қуйидаги босқичларга амал қилинади:

1. Муҳокама қилиш учун мавзу танлаб олинади.

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

2. Мавзу юзасидан қатнашчилар якка тартибда навбат билан ўз фикрларини билдиришади.

3. Бир-бирига ўхшаш қараш ва фикр эгалари гуруҳ ҳосил қилиб, бирлашадилар.

Ҳар бир гуруҳ аъзолари навбат билан ўзининг қарашларини изоҳлаб беради.

Бошқа гуруҳ аъзоларининг қарашларини асосли, кучли деб билган гуруҳ аъзоси ўз қарашларини ўзгартириб, бошқа гуруҳга қўшилиши мумкин.

Ўқитувчи мунозарадан якуний хулоса чиқаради.

Маълумки, педагогик жараёнда баъзи ўқувчилар ўқитувчининг айтганларини тез тушунишади ва уларда мулоқот қилиш кўникмалари ҳам тез шаклланади. Баъзи ўқувчиларда бу жараён қийинчилик билан кечгани учун уларга кўп вақт сарфлабгина қолинмай, балки ўқув материали мазмунини тўлиқ тушуниб етиш учун қўшимча топшириқ ёки тушунтиришлар олиб борилиши ҳам керак бўлади. Бундай ўқувчилар дарс жараёнида бошқа ўқувчилар олдида савол беришга, тушунмаганларини сўрашга тортинишади. Ҳатто, айрим ўқувчилар тушунмаганликларини билишмайди ёки тан олишмайди. Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир ўқувчининг таҳсил олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини сифатли бажаришга, ўқув материалини пухта ўзлаштиришга, ҳамкорликда фаолият кўрсатишга олиб келади.

Ҳамкорликда ўқиш усулининг асосий ғояси топшириқларни ўқитувчи билан биргаликда бажаришгина эмас, балки барча ўқувчиларни ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва фикр алмашинув шароитида фаолият кўрсатишга одатлантиришдан иборатдир.

Таълим-тарбия жараёнида ҳамкорликда ўқитиш методларидан фойдаланиш ҳар бир ўқувчини кундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, унда шахс сифатида мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир ўқувчида шахсий қадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, таҳсил олишда масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади. Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир ўқувчининг таҳсил олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келиши ёки аксинча бўлиши мумкинлигини англаган ҳолда уни мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини сифатли бажаришга, ўқув материалини пухта ўзлаштиришга, синфдошлари билан ҳамкорлик қила билишга одатлантиради.

Интерфаол усуллар фақат таълимий ҳамкорлик қилиш ёки фақат муаммони тадқиқ этишга ёҳуд фақат мустақил ишлашдангина иборат деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Чунки ҳар қандай усул бир вақтнинг ўзида ўқувчини ҳам муаммонинг ечимини топишга (тайёр кўрсатмалар асосида ишланганда ҳам ўқувчи тўғри хулосани танлаш асносида фикр юритади, демакки, ўқувчи мавзу-муаммо доирасида танқидий фикрлайди), ҳам мустақил хулоса чиқаришга (ҳамкорлик асосига қурилган ўқув жараёнида ўқувчи ўз фикрини асослаш ва ҳимоя қилиш баробарида муайян хулосага келади), ҳам ҳамкорликда ишлашга йўналтириши мумкин.

Демак, юқорида айтилган фикрлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга одатлантириши, уларда ўзаро ҳамкорликда ишлашга йўналтириши, ўзаро ёрдам туйғуларини шакллантириши, фаол мулоқотга асосланиб таълим олишга имкон бериши билан эътиборга лойиқдир.

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

Фойдаланилган адабиётлар

1. Xodjiev, N., Juraev, S., Kurbanov, K., Sultonov, S., Axatov, D., & Babayev, A. (2022, June). Analysis of the resource-saving method for calculating the heat balance of the installation of hot-water heating boilers. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 020019). AIP Publishing LLC.
2. Arifjanov, A., Samiev, L., Khaydarov, S., Kasimov, T., & Juraev, S. (2022, June). Increasing efficient use of water storage pools. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 040037). AIP Publishing LLC.
3. Arifjanov, A., Juraev, S., Kosimov, T., Khaidarov, S., & Nodirov, J. (2022, June). Definitions of the bentonite filtration coefficient in the logon deposit in the fergana valley. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 040003). AIP Publishing LLC.
4. Juraev, S., Akramov, A., Abdurazzokov, A., & Pathidinova, U. (2022, August). Increasing the efficiency of sedimentation tanks for drinking water treatment. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 1076, No. 1, p. 012049). IOP Publishing.
5. Akramov, A., Juraev, S., Xoshimov, S., Axatov, D., & Pathidinova, U. (2022, December). Optimum placement of thin-layer elements in a horizontal sedimentation tank purification of drinking water. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 1112, No. 1, p. 012139). IOP Publishing.
6. Razzaqov, S. J., Jurayev, S. S., Xakimov, S. A., Qayumov, D. A., & Yuldashev, J. G. (2023, August). The importance of soil and water for increasing the strength of ceramic products. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 1231, No. 1, p. 012080).
7. Каюмов Дилшод Абдугофур Угли (2021). СПОСОБЫ ОБРАБОТКИ ГЛИНИСТОГО СЫРЬЯ. Вестник науки и творчества, (6 (66)), 45-47.
8. Jo'Rabek, G. (2022). 'Ofurjonovich Yuldashev, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, Abduvohid Abduvali O'G'Li Abdusamatov Talabalarni o'z kuchiga ishonchini mustahkamlashda pedagogik ta'sirning ahamiyati. *Oriental Art and Culture*, *2*.
9. Jo'Rabek G'Ofurjonovich Yuldashev, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, & Abduvohid Abduvali O'G'Li Abdusamatov (2022). TALABALARNI O'Z KUCHIGA ISHONCHINI MUSTAHKAMLASHDA PEDAGOGIK TA'SIRNING AHAMIYATI. Oriental Art and Culture, 3 (2), 724-728.
10. Jo'Rabek G'Ofurjonovich Yuldashev, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, & Abduvohid Abduvali O'G'Li Abdusamatov (2022). Talabalarni o'z kuchiga ishonchini mustahkamlashda pedagogik ta'sirning ahamiyati. Oriental Art and Culture, 3 (2), 724-728.
11. A.A.Atamov, J.G'.Yuldashev, D.A.Qayumov, & O.I.Dadamirzaev (2022). Oliy ta'lim muassasalarida iste'dodli talabalarni tanlash va ular bilan samarali ishlash yo'llari. Oriental Art and Culture, 3 (4), 518-522.
12. Nurmuxamad Najmitdinovich Majidov, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, & Ulug'Bek Inomiddin O'G'Li Jo'Rayev (2023). Ta'lim samaradorligini oshirishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarning ahamiyati. Oriental Art and Culture, 4 (2), 441-446.
13. Jo'Rabek G'ofurjonovich Yuldashev, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, Abduvohid Abduvali O'G'Li Abdusamatov, & Muazzam Turg'Unmirzayevna Yuldasheva (2023). Ta'lim jarayonini ilmiy asosda tashkil etishda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati. Oriental Art and Culture, 4 (2), 550-556.

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

14. Alisher Xaydaraliyevich Alinazarov, Dilshod Abdug‘Ofur O‘G‘Li Qayumov, & Ulug‘Bek Inomiddin O‘G‘Li Jo‘Rayev (2023). O‘zbekiston oliy ta’lim tizimida fan, ta’lim va ishlab chiqarish integratsiyasini takomillashtirishning asosiy yo‘nalishlari. Oriental Art and Culture, 4 (2), 234-240.
15. Арифжанов, А. М., & Жураев, Ш. Ш. (2019). Исследование водопроницаемости бентонита. *Наука и мир*, *1*(4), 33-35.
16. Arifjanov, A., & Jurayev, S. (2018). European science review.
17. Karimovich, N. M., Sharipovich, J. S., & Abduxamidovich, A. A. (2023). Filtration of natural water with increased upflow speed. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, *3*(01), 07-20.
18. Jurayev, & Sh, S. (2019). Analyze of the permeability of bentonite and sand in soil structures. *ISJ Theoretical & Applied Science, Philadelphia, USA.*, *3*(71), 437-440.
19. Алиназаров, А. Х., Қаюмов, Д. А., & Карабоева, М. (2023). Чорвачилик чиқиндилари кимёвий таркибининг биомасса энергиясига боғлиқлигини тадқиқ қилиш. *IQRO*, *3*(1), 16-18.
20. Alinazarov, A. X., Qayumov, D. A., & Dadamirzayev, O. I. (2022). Oliy ta’lim muassasalarida “integratsiya uchburchagi” va innovatsion-korporativ hamkorlikning o ‘ziga xos xususiyatlari. *Oriental Art and Culture*, *3*(1), 191-196.

WORDLY
KNOWLEDGE